



Кадимий давлатлар каби Амир Темур давлатининг ҳам ўз рамзи, яъни байроги бўлган. Шу масала юзасидан тарихий манбалар ва илмий асарларда кизикарли, айтиш мумкин, мунозарали маълумотлар учрайди. Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Самаркандга килган сафарига биринчи бор 1404 йил 29 август куни Шахрисабздаги Оксаройни кўришга муяссар бўлади. Шунда у саройда курилиш ишлари хали тугамаганлиги, хон қабулхонаси пештоқининг ўрта қисми ва икки чеккасида нур таратаётган қуёш фонида шер тасвирланганини кўради. Элчи буни Самарканд ҳукмдори тамғасидаги тасвир деган хулосага келади. Аммо бу каби тасвирни XV аср бошларига оид миниатюраларда ҳам кўриш мумкин. Ана шу миниатюралардан бири Петербургдаги М.Е.Салтиков-Шчедрин номи халқ кутубхонасида сақланади. «Шох овда» деб номланувчи ушбу миниатюра Абдурахмон Жомийнинг 1549 йилда кўчирилган «Силсилат аз-захоб» номи асарининг охириги бетига жойлаштирилган. Бу сурат олимлар томонидан ўрганилиб 1461 йили чизилган, деган хулосага келинган. Мутахассислар фикрича, бундаги тасвирда XV аср бошларида шахзодалардан Мирзо Улугбек ёки Халил Султон томонидан уюштирилган овдан бир кўриниш акс эттирилган. Композициянинг марказида отларда вайрон билан ўтирган шахзодалар ва уларнинг аъёнлари, орқа планда эса саросимада қолган тоғ жонзотлари миниатюрага эътибор билан қаралганда, унинг тепадаги бурчагида байроқ кўтарган одам қоматини гира-шира кўриш мумкин. Байроқ дастасининг узунлиги уни узоклардан кўзга ташланиб туришлигини таъминлаш билан овчиларни бир-бирларидан ажраб узоклаб кетган тақдирларида ҳам тезликда қайта тўпланишлари учун мўлжал вазифасини ўтаган бўлиши шубҳасиз. Бундай хабарчи байроқлар жанг олиб борилаётганда ҳам қўлланилган, аскарлар қайси ерда жанг олиб бораётганларидан қатъи назар, уни кўздан қочиришмаган. Миниатюрада тасвирланган байроқ ҳам кўриниши ва ундаги тасвирлар мазмунига кўра айнан байроқдор томонидан олиб юрилган ва доимо Амир Темур қароргоҳида кўрикланган бош байроқ - давлат байроги деб таърифланмоғи ҳақиқатга яқиндир. «Шох овда» асари билан танишган олимлар фикрича, байроқ дастасининг узунлиги беш метрдан кам бўлмай, учига найза кўринишидаги металл мослама, унинг тагига эса мусулмонликнинг рамзи бўлмиш ярим ой ҳамда туркий халқларда анъанага айланган тўзиган кўринишдаги кўтос думи, уларнинг тагига эса учбурчак шакли оқ мато тортиб бириктирилган бўлиб, унда геральдика ҳолатида турган шер ва унинг орқасида нур сочаётган қуёшнинг бир қисми тасвирланган. Байроқ ҳақида мулоҳаза юритадиган бўлсак, унинг ҳажми, ранги, тасвирларининг мазмуни каби бир қатор муаммоларга дуч келамиз. Миниатюрадаги байроқ учбурчак шаклида бўлиб, бу шаклни бошқа манбаларда ҳам кўриш мумкин. Лекин матонинг оқ

рангда бўлишлиги (туркийларда ок ранг муваффакият, галаба, омад рамзи, ок кўйлак мотам белгиси) шубхалирок. Темурийлар даври меъморий ёдгорликларига, кулолчилик санъати буюмларига назар ташлайдиган бўлсак, тиник мовий рангга бўлган эътибор яккол кўзга ташланади.

Келтирилган мисол ва мулохазалардан келиб чикиб, таърифланаётган байрок Темурийлар давлатининг асосий рамзларидан бири — бош байрок вазифасини ўтаган. Унинг дастаси йўгон ва узунлиги 4-5 метрдан кам бўлмаган холда, харбий тўкнашувлар даврида муҳим роль ўйнаган. Байрокнинг учбурчак кўринишдаги матосининг ранги, фикримизча, мовий рангда бўлганлиги мантикан тўғридир. Француз тадқиқотчиси Люсьен Кэрэннинг маълумотига кўра, Амир Темур Тўхтамиш устига юришларидан бирида: «Салтанат пойтахтини тарк этар экан, Амир Темур ўзининг одатдаги шох тугини кумуш аждархо тасвири туширилган кора рангли янги байрок билан алмаштирди», деб ёзган. Бу маълумотнинг канчалик тўғрилиги бизга қоронги. Шунингдек, адабиётлардаги маълумотлар бўйича фикрланса, Амир Темур байрогида учта халка тасвирининг берилиши ҳам мантикан тўғри эмас. Амир Темур байрогидаги зарҳал иплар билан тикилган тасвирларга келсак, бундай тасвирлар Темурийлардан аввалги ва кейинги даврларга оид ёдгорликларда кўплаб учраса-да (масалан, VII-VIII асрлардаги Чоч тангаларида коплон, XIV асрдаги Олтин Ўрда хонлари тангаларида, XV асрдаги Самарканд тангаларида, Шахрисабздаги Оксарой пештокидаги, XVII асрдаги Шердор мадрасаси пештокидаги тасвирларда нур сочиб турган қуёш фонида ён томони билан турган шер), миниатюрада тасвирланган жонзот гарчи олимлар томонидан «шер» деб таърифланишига қарамасдан, уни бошқа жонзот тасвири деб қабул қилиш даркор деб ўйлаймиз. Тасвирда шер эмас, аксинча, чап ёнига ишонч билан назар ташлаган холда охиста одимлаётган бўйсифат жонзот акс эттирилган. Унинг кулоклари шерниқига ўхшаш япалок ва тўмтоқ эмас, аксинча, учли, узун ва тикка, гўё хар бир шовкинга эътиборини қаратган холда аста қадам ташлаб, атрофни қузатаётгандек. Унда Шердор мадрасасидаги шернинг вазоҳатини ва биронта ожиз жонзотга нисбатан тажовузни кўрмаймиз. Бунинг устига, бу тасвирдаги одам қиёфасида тасвирланиб, ўзининг 9 та тўғри чизикдан иборат заррин нурларини таратаётган кўринишдаги қуёш тасвири Шердор мадрасаси пештокидаги ва Темурийлардан кейинги байроқлардаги қаби жонзотнинг орқа тарафида эмас, аксинча, олди тарафида тасвирланган. Бу ерда қуёшнинг барча жонзотлардан улуглиги ўз аксини топган. Тасвирнинг устки ва пастки очикжойларида Амир Темурнинг кенг маънога эга бўлган «Куч — адолатда», «Адоват эмас — адолат енгади» қаби ўғитлари аксини топгани шубҳасиздир. Чунки кейинги даврларга оид байроқлардаги «Мен қонун асосида ҳаракат қиламан», «Кўмак Аллохдандир» қаби ҳикматли сўзлар фикримизга асос бўла олади. Тасвирдаги жонзотга келсак, унинг қиёфасини ўзиёқ, бўри эканлигига шубҳа тугдирмайди. Шунингдек, ёзма манбаларнинг шохидлигича, туркий халқларда бўрига эътиқод ва унга сизгиниш қадимий одатлардан бўлиб, унга халқ оғзаки ижоди ва дostonларда қуйланиб келинган. Мазкур маълумотларга асосланиб, Амир Темурнинг байрогида шер тасвирининг бўлганлиги мантикан тўғри эмас. Бунинг устига Чингизхоннинг шахсий муҳрида йўлбарс тасвири бўлганлиги ҳам унинг авлодларига қарши қураш олиб борган Амир Темурни нафратлантирган бўлиши керак. Шуларга кўра, у ўз аждодларининг тотемга содиқ қолиб, давлат байрогига бўри тасвирини туширишни маъқул топган.

XIV аср охири - XV аср боғларида тўла мустақиллик рамзи сифатида қабул қилинган ва янги мазмун қашф этган Давлат байроги Амир Темур саройи тепасида қилпираб турган.

Матодаги бўри ва заррин нурларини таратиб турган куёш тасвири билан гўё Амир Темур устингдан куёш ёркин нурларини мангу сочиб туришини истасанг, бўри каби сергак, довюрак ва кийинчиликларни бартараф эта оладиган бўлишинг керак, деган гояни шггари сургандек. Байрокдаги тўккизта майда ва битта йирик чизиклар билан Амир Темур: «Давлат ишларининг тўккиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, колган бир улуши эса килич билан бажо келтирилур», демокчи бўлади.

Ўткир АЛИМОВ